

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 22-mart, chorshanba

№ 13 (9229)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING NAVR՛Z UMUMXALQ BAYRAMIGA BAĞIŞLANGAN TANTANALI MAROSIMDAĞI TABRIK HUTQI

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Мана шу гўзал ва ҳаяжонли дамларда муаззам “Янги Ўзбекистон” боғида туриб, сиз, қадрдонларимни, кўпмиллатли бутун халқимизни улуг айём – Наврўз байрами билан самимий табриклайман.

Бугун бепоён Ватанимизнинг воҳа ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғ ва майдонларида эл-юртимиз катта шоду хуррамлик билан Наврўз сайилларини ўтказмоқда.

Қалбларимиз қувончга тўлиб турган ушбу дилбар лаҳзаларда кексаю ёш жамики юртдошларимизни чин дилдан қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурраматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Шарқона янги йилимиз муборак бўлсин!

Наврўзи оламнинг қадами қутлуғ келсин!

Қадрли дўстлар!

Бугун жонажон юртимизга гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиликлар, меҳр ва оқибат байрами – Наврўз кириб келар экан, дала ва қишлоқларимиз, боғ ва яйловларимиз кўккам ёмғирлари – обираҳматдан баҳраманд бўлиб, бўлғуси мўл ҳосил, қут ва баракадан дарак бермоқда.

Ҳар бир инсон ўзининг табиат фарзанди эканини янада чуқур англаётган мана шундай мунаввар айёмга эл-юртимиз билан соғ-омон етганимиз учун, аввало, Яратганимизга беҳад шукроналар айтаимиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни – инсон эркин, озод ва фаровон яшайдиган жамият ва давлатни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон ғояси – бу 36 миллионли катта халқимизнинг азму қарори, унинг ҳаёт мазмунидир. Бу олижаноб мақсад Наврўзи олам фалсафаси ва қадриятлари билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиб бериш, оддий қилиб айтганда, халқимизни рози қилиш – мана, бизнинг бош мақсадимиз. Шу эзгу йўлда иқтисодиётимиз ва ижтимоий соҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, соғлом турмуш тарзи ва спорт, она табиатни асраш каби йўналишларда бошлаган катта-катта дастурларимизни жадал давом эттирамиз.

Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда биз мўтабар отахон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуои фотиҳаларидан куч-қувват оламиз.

Миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мардона меҳнат қилаётган ҳурматли ака-укаларимиз, азиз опа-сингилларимизга – бутун халқимизга ишонамиз ва таянамиз.

Шу қутлуғ айёмда сизларнинг ҳар бирингизга Ватан равнақи йўлида қилаётган муносиб хизматингиз учун қўлимни кўксимга қўйиб, чин юракдан ташаккур билдираман.

(Давоми 2-саҳифада)

Сиз, азизлар олдимизда турган муҳим сиёсий тадбирда ҳам юксак сиёсий тафаккур ва маданиятингизни намоеён этиб, эришган ютуқларимиз ва ислохотларимизни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Мана шу бетакрор лаҳзаларда кўккамнинг ҳар бир кунни, ҳар бир соатини ғанимат билиб, даласига йўл олаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Бугун катта орзу-умидлар билан сафларимизга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизни – Янги Ўзбекистон бунёдкорларини барчамиз самимий олқишлаб, уларга бахт ва омадлар тилаймиз.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан ҳеч чарчамайман – ҳар томонлама соғлом ва баркамол, билимли ва серғайрат ёшларимиз энг юксак марраларни эгаллашлари учун биз барча имконият ва шароитларни албатта яратиб берамиз.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимиз ишончини оқлаб, катта-катта ғалабаларга эришаётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

Куни кеча футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қизғин беллашувларда мустаҳкам ирода ва маҳорат намунасини кўрсатиб, Осиё чемпиони, деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Айни пайтда улар Индонезияда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлари хоккей бўйича ўн саккиз ёш тоифасида барча рақибларни ортда қолдириб, Осиё чемпиони бўлдилар. Мамлакатимиз спорт тарихида илк бор мана шундай катта зафар қозongan ёш хоккейчиларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди. Айниқса, иқтидорли ҳужумчимиз Жасурбек Рустамхонов мусобақа давомида ўн тўртта гол уриб, чемпионатнинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди.

Шунингдек, юртимиз ёш шахматчиларининг юксак интеллектуал салоҳияти дунё бўйлаб тилларда дoston бўлмоқда, десак, асло муболага бўлмайди.

Яқинда Тошкентда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда истеъдодли шахматчи қизимиз Нилуфар Ёқуббоева 100 дан ортиқ хорижий иштирокчилар қатнашган мусобақада фахрли иккинчи ўринни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Мана шундай умидбахш ютуқлари билан азму шижоатли фарзандларимиз юртимиз ёшлари қандай улкан ишларга қодир эканини яна бир бор яққол намоеён этдилар.

Шу каби ғоят муҳим ютуқларга ёшларимиз илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳаларида ҳам эришиб келмоқдалар.

Шу муносабат билан ёш чемпион ва совриндорларимизни, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналарини, барча спорт мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Бу, ҳеч шубҳасиз, азамат ёшларимизнинг эл-юртимизга ҳақиқий Наврўз совғаси бўлди.

Янги Ўзбекистонга албатта мана шундай ғалабалар ярашади.

(Давоми 2-саҳифада)



ЭЛИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИ

21 март куни “Янги Ўзбекистон” боғидаги амфитеатрда Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди.

Инсон руҳиятида янгиликлар, яхшиликлар, эзгуликлар сурон солиб турганда оламга омонлигидан жар солиб, Наврўз кириб келди. Наврўз ўз этакларида эл ардоқлайдиган тинчлик, омонлик, хотиржамликни ола келди. Қиру адирлар ям-яшил майсалар билан қопланган, атрофни қушлар чуғури-ю анвойи гуллар, гиёҳлар ифори тугган.

“Янги Ўзбекистон” боғи ҳудуди байрам шукӯҳига бурканган. Наврўз билан боғлиқ аънаналар намойиши, миллий маданий марказлар кўргазмалари ташкил этилган.

Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олди. Давлатимиз раҳбари барчани Наврўз байрами билан табриклади.

– Бугун бепоён Ватанимизнинг воҳа ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғ ва майдонларида эл-юртимиз катта шоду хуррамлик билан Наврўз сайилларини ўтказмоқда. Қалбларимиз қувончга тўлиб турган ушбу дилбар лаҳзаларда кексаю

ёш жамики юртдошларимизни чин дилдан қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурраматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Наврўз – инсониятнинг ўзи қадр қадимий ва боқий байрамлардан. Айни пайтда бу байрам Ер юзиде катта шодиёна, хурсандчилик ила қарши олинади. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 23 февралдаги резолюцияси билан 21 март – бутун дунёда Халқаро Наврўз куни сифатида нишонланади.

Дунёда шунча миллий байрамлар бўлатуриб, нима учун айнан халқимизнинг шарқона янги йили – Наврўз миллий сарҳадлардан чиқиб, дунё байрамига, умумбашарий қадриятга айланди? Чунки Наврўз ҳамма даврда тинчлик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб келган. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.

Мамлакатимизда инсон қадрини

улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар ҳар томонлама ривожлантирилмоқда, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай ишларни давом эттириш мақсадида жорий йилда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.

– Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда биз мўтабар отахон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуои фотиҳаларидан куч-қувват оламиз. Миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мардона меҳнат қилаётган ҳурматли ака-укаларимиз, азиз опа-сингилларимизга – бутун халқимизга ишонамиз ва таянамиз, – деди Президент.

(Давоми 2-саҳифада)



Маълумки, Андижон мамлакатимизнинг ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилояти ҳисобланади. Шу боис ҳам вилоятда ернинг ҳар қаричидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи чоғида айни шу жиҳатни ҳисобга олиб, Андижон туманидаги адирликларда “Янги Андижон” шаҳрини барпо этиш ташаббусини илгари сурган эдилар. Экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида кўп қаватли

уйлар куриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини арзон, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлаган эдилар. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 12 июлда “Янги Андижон” шаҳрини барпо этиш ишларини самарали ташкил этишга доир чоратadbирлар тўғрисида”ги қа-

рори қабул қилиниб, Андижон тумани адирликларида 440 минг нафарга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган “Янги Андижон” шаҳрини барпо этишга киришилди. Бунинг учун жами 4 минг гектар ер майдони ажратилиб, 1 минг 144 гектарда турар-жойлар қад ростлаши режалаштирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЛ-ЮРТГА МЕҲР ВА САДОҚАТНИНГ ТИМСОЛИ ЭДИ

21 март – атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ватанимизнинг Давлат мадҳияси шеъри муаллифи Абдулла Орипов таваллуд топган кун.



Устознинг ғоят гўзал ва бетакрор шеърияти миллият шаъни, кадр-қиммати, Ватан истикболи, шу муқаддас дийёрнинг Наврўздай ёруғ кунлари билан ҳамоҳангдир.

Абдулла Орипов 1941 йил 21 март куни Қашқадарё вилоятида туғилган. У 1958 йил ўрта мактабни олтин медал билан тамомлагач, таҳсилни Ўзбекистон Давлат университети, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг журналистика бўлимида давом эттирган эди. Устоз ижодкор 1963 йил университетни аъло баҳолар билан якунлаб, “Ёш гвардиячи” тахририятида муҳаррир бўлиб ишлаган. 1967-1974 йилларда Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат тахририяти муҳаррири ва бош муҳаррири, 1974-1976 йилларда “Шарқ юлдузи” журналида бўлим раҳбари сифатида фаолият кўрсатган.

(Давоми 2-саҳифада)

"Хар кунинг Наврўз бўлсин!"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

(Боши 1-саҳифада)

Янги Ўзбекистонга миллионлаб тенгдошларига ўрнатилган ва намуна бўладиган мана шундай ватанпарвар, қахрамон ёшлар керак.

Ўз даврида жаҳонни лол қолдирган буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлган бундай ёшларимиз билан халқимиз, Ватанимиз ҳақли равишда фахрланади.

Катта раҳмат сизларга, азиз фарзандларим! Ҳаёт йўлларингизда барчангизга доимо янги омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Мир Алишер Навоий бобомизнинг олам аҳлига, биз – авлодларга қарата "Хар кунинг Наврўз бўлсин!" деб айтган тилакларини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шу маънода, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ёрдам ва кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, беморларнинг дардига дармон бўлиш каби халқимизга хос савобли амалларни нафақат Наврўз айёмида, балки ҳар куни, виждон амри билан адо этишимиз лозим.

Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур.

Мен барчангизни, авваламбор, раҳбар ва мутасаддиларни шу борада янада фаол ва самарали ҳаракат қилишга даъват этаман. Токи азалдан одамийлик диёри, деб шухрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин.

Қадрли дўстлар!

Бу йилги хосиятли Наврўз фасли юртимизга кўплаб қувончли воқеалар, қўшалоқ байрамларни бошлаб келмоқда.

Шу кунларда барчамиз яна бир қутлуғ ва фазилатли ой – муқаддас Рамазони шариф арафасида турибмиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз мусулмонларини, бутун ислом умматини ана шу табаррук айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу илоҳий ойда қиладиган хайрли амалларимиз қабул бўлиб, эзгу ва пок ниятларимиз ижобат топишини тилайман.

Айни вақтда мамлакатимизда эртага нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари кунини билан ҳам барчангизни қутлайман.

Мустақиллик йилларида Наврўзи олам дийдоримиздаги барча миллат ва элат вакилларини ягона, аҳил оила этиб бирлаштирадиган дўст-

лик ва нафосат байрамга айланганини биз юксак қадраймиз.

Бундай ноёб ва бебаҳо бойлигимизни ҳаммаша кўз қорачиғидек асраб-авайлаймиз.

Тинчлик ва бағрикенглик элчиси бўлган бу айём – 21 март Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан Халқаро Наврўз кунини сифатида кенг нишонлаб келинаётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат кўрсатиб, бугунги сайил-шодиёнамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини чин дилдан қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига самимий салом ва эзгу тилакларини йўллаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни, бутун халқимизни Наврўз умумхалқ байрами билан яна бир бор табриклияман.

Фасли навбаҳор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ЭЛ-ЮРТГА МЕҲР ВА САДОҚАТНИНГ ТИМСОЛИ ЭДИ

(Боши 1-саҳифада)

1972 йилдан 1982 йилгача Абдулла Орипов Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб фаолият юритган эди. 1982-1983 йилларда Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлинимаси котиби, 1983-1985 йилларда "Гулхан" журнали бош муҳаррири, 1985 йилдан котиб, 1996 йилдан 2009 йилгача Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатган эди. Устоз ижодкор 1988 йил Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўмитаси раиси этиб тайинланган эди.

Абдулла Орипов Олий Мажлис биринчи ва иккинчи чақируви депутати ва сенатори бўлган эдилар. Устоз Ўзбекистон Давлат маданиятининг муаллифларидан бири сифатида тарихда ном қолдирган. У атоқли бастакор Мутал Бурҳонов билан бирга жонажон Ўзбекистонимизнинг бош қўшигининг ҳар бир сўзи, оҳанги устида астойдил жон куйдирган фидойи инсондир.

Устоз ижодкор 1998 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.

"Қуш" номли ўзининг илк шеърини Абдулла Орипов университетда ўқиган кезлари ёзган эди. Абдулла Ориповнинг "Баҳор", "Биринчи муҳаббатим", "Қуз", "Саратон", "Ўзбекистон", "Муножотни тинглаб", "Отелло", "Сароб", "Денгизга", "Маломат тошлари", "Олтин балиқча", "Юзма-юз", "Генетика" ва бошқа шеърлари XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг ёрқин намунасидир.

1965 йил унинг илк шеърини тўплами "Митти юлдуз" чоп этилган. Шундан сўнг "Қўларим йўлингизда", "Онажон", "Рухим", "Ўзбекистон", "Қасида", "Хотирот", "Юртим шамоли", "Ҳайрат", "Нажот қалъаси", "Йиллар армони", "Ишонч кўприги",

"Муножот", "Ҳаж дафтари", "Сайланма" шеърини тўпламлари нашрдан чиқди.

Абдулла Орипов қаламига мансуб "Жаннатга йўл", "Табиб ва ўлим", "Ранжком", "Соҳибқирон" дostonлари адабиёт ихлосмандларига яхши таниш.

Миллат, Ватан тақдирини ўз тақдири билан вобаста кўриш, оддийлик, самимият, ўз халқига чексиз меҳр ва эҳтиром закий ижодкор Абдулла Орипов инсоний фазилатларининг устувор жиҳатларини ташкил этар эди. Шоир сўзи билан айтувчи қўшиқлар мусиқа санъатимизда алоҳида ўрин тутади.

Кейинги олти-етти йиллар давомида улуг шоиримиз хотирасига ҳурмат кўрсатиш янгича маъно-мазмун билан бойиди. Пойтахтимиздаги "Адиблар хиёбони"да шоирнинг ҳайкали бунёд этилди. Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ташкил этилди. Шоирнинг умр йўлдоши, барча заҳматлари, қувончу ташвишларига шерик инсон Ханифа ая Мустафоева 2019 йилда "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Кейинги пайтда Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган картиналарни муҳлисларга тақдим этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов миллий адабиётимиз, она тилимиз, Ватанимиз ва халқимизга меҳр ва садоқатнинг ҳақиқий тимсолидир. Наврўз айёми тантана қилинаётган шу кунларда устоз ижодига бағишлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан кўплаб ижодий кечалар, адабий анжуманлар, шеърхонлик тадбирлари, ижодий танловлар ташкил этилмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ
Н.УСМОНОВА
тайёрлади.

ЭЛИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари Ватан равақи йўлида муносиб хизмат қиладиган барчага ташаккур изҳор этди. Келгуси ойда ўтадиган муҳим сиёсий тадбирда фуқаролар юксак сиёсий тафаккур ва маданиятини намоён этишига ишонч билдирди.


Деҳқон ва фермерлар, спортчилар, ёшларнинг ютуқлари ёдга олинди.

Халқимизга хос савобли амалларни фақат Наврўз айёмида эмас, балки ҳар куни адо этиш лозимлиги таъкидланди.

– Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Токи азалдан "одамийлик диёри" деб шухрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент юртимиз мусулмонларини, бутун ислом умматини яқинлашиб келаётган Рамазон ойи билан ҳам муборакбод этди.

Хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, уларнинг мамлакатлари ва халқларига ҳам эзгу тилаклар йўлланди.



Шунингдек, 22 март куни нишонланадиган Маҳалла кунини муносабати билан ушбу тизим фаоллари, оқсоқоллар, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари қутланди.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Фольклор-этнографик жамоалар ва санъаткорларнинг чиқишлари, миллий ўйин ва аскиялар барчага завқ-шавқ улашди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, парламент ва

ҳукумат аъзолари, турли ҳудудлардан меҳмонлар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ушбу тантанадан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наврўз сайлида иштирок этди, миллий маданият марказлари ва халқ амалий санъати кўргазмаларини кузатди.

Наврўз мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг сеvimли байрамга айланган. Сай-

илда ана шу аҳиллик, юртимиздаги миллатлараро дўстлик яққол намоён бўлди.

Президентимиз байрамга келган одамлар билан суҳбатлашиб, уларни табриклиди.

Наврўз сайиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, туман, қишлоқ ва овулларда давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.



(Боши 1-саҳифада)

Шунингдек, 215 гектар майдонда савдо, 240 гектарда хизмат кўрсатиш, 76 гектарда саноат, 1 минг 942 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, 364 гектар майдон йўллар ва бошқа инфраструктура объектларидан иборат бўлади. "Янги Андижон" шаҳри лойиҳаси 8 босқичда амалга оширилади. Бугун чинакам бунёдкорлик марказига айланган ушбу манзилда 440 минг аҳоли учун кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектлари, кичик саноат ва яшил ҳудудлар бунёд этиш кўзда тутилган. Ҳозирда унинг биринчи босқичи амалга ошириляпти. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, 121 минг нафар ҳамюртларимиз ўз уйларига эга бўладилар. Биринчи босқичда

барпо этилиши режалаштирилган 3 минг 310 хонадонли 70 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, поликлиника, трикотаж корхонаси, ипотека маркази қурилди, 3 мингдан зиёд савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши якунига етмоқда. Шунингдек, ҳудудни тоза ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш ишлари давом этмоқда. Янги Андижон шаҳрига олиб борувчи ҳамда ички йўллар барпо этилиб, яшил майдонлар,

умуман, ҳудудда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари бажарилди. "Янги Андижон" шаҳри ҳудудида бугунги кунгача 5 қаватдан 9 қаватгача бўлган 74 та турар жой биноларида қурилиш-монтаж ишлари бошланган бўлиб, улардан 18 таси (565 та хонадон) фойдаланишга қабул қилинган. 250 қатновли поликлиника қурилиши лойиҳаси "Андижонфукаролоиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, "Пахтаобод кўча механизациялашган сафи" МЧЖ пудрат ташкилоти



томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 420 ўринли Мактабгача таълим ташкилоти биноси лойиҳаси эса "Қишлоқ-қурилишлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, "Бинокор-мададқурилиш" МЧЖ томонидан қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди ва объект фойдаланишга қабул қилинди. Худуддаги 1680 нафар ўқувчи мўлжалланган янги умумтаълим мактаби лойиҳаси "Архстройсервис" МКИМП томонидан ишлаб чиқилди ва қу-

рилиш-монтаж ишлари "Андижон-тезкорқурилиш" МЧЖ томонидан амалга оширилди. Бугунги кунда ушбу мактаб ҳам фойдаланишга топширилди.

"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бюртмаси асосида "Марказий сув тармоғи қуриш ва ички ичимлик суви тармоғини тортиш" объектида эса қурилиш-монтаж ишлари давом

этноқда. Мазкур сув объекти лойиҳаси "Омад ишонч келажак лойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилиб, "Водий юлдузи" МЧЖ пудрат ташкилоти томонидан қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача объектида 10 километр узунликдаги сув тармоғи тортилди.

"Янги Андижон шаҳридаги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси" бюртмачилигида Янги Андижон шаҳри ҳудудида замонавий лойиҳалар асосида инфраструктура муҳандислик тармоқларини тортиш ва монтаж ишларини олиб бориш учун махсус бетон коллектор қурилган бўлиб, коллектордан ичимлик суви, электр, оқова сув ва бошқа муҳандислик тармоқларини тортиш, улардан фойдаланиш ва таъмирлаш учун шароитлар яратилган. Объект лойиҳаси "Таъмирлойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари бош пудратчи "YENI KAZAN INSHAAT" МЧЖ томонидан амалга оширилган. Бундан ташқари, Янги

Андижон шаҳри учун "Янги Андижон шаҳридаги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси" бюртмачилигида 10 минг метр куб қувватли оқова сув тозалаш иншооти қурилиши ҳам давом этмоқда. Ушбу объект лойиҳаси "Мукамал дизайн лойиҳа" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлса, қурилиш-монтаж ишлари "Жуст Момент" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Объектининг жорий йил якунига фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимизда, хусусан, Андижонда кечаётган ислохотларни, ўзгариш эврилишларни кузатаётган ҳар бир юртдошимиз халқимизнинг оруз-ниятлари, мақсадлари улуг ва эзгу эканлигини, бу йўлда бутун куч-қудрати, салоҳиятини ишга солаётганини ич-ичидан ҳис этмоғи тайин. Шу ўринда бир яхши ниятни кўнгилмиздан ўтказамизки, мана шундай хайрли ишлар юртимизда ҳаммаша бардавонлик касб этсин! Зеро, қутлуғ кунларда қилинган яхши ниятлар ижобат бўлғай.

Ориф ЖУМАНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қадрли ватандошлар!
Сизларни пойтахт вилоятининг пурвиқор тоғлари, бетакрор табиати бағрида жойлашган

БУРЧМУЛЛА
давлат ўрмон хўжалиги жамоаси

халқимизнинг қадимий урф-одатлари, бетакрор анъаналарини ўзида мужассам этган боқий байрам – **НАВРЎЗИ ОЛАМ**

билан муборакбод этади. Ушбу қувончли кунларда хонадонларингизга тинчлик, файзу барака, дастурхонларингизга бундан-да тўкин-сочинлик тилайди.

“САМАРҚАНД ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

Ватандошларимизни Наврўз байрами билан қутлар экан, барчага энг эзгу тилакларини йўллайди. Яхши ниятлар ижобат бўладиган қутлуғ кун – Наврўзи олам шўкуҳи дилларингизни ҳамisha нурафшон этиб турсин! Дехқонларимизнинг салла хирмонларига барака инаверсин, тўкинлик манбаи – ўз донимиз, ўз нонимиз ҳамisha мўл бўлсин!

САМАРҚАНД ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ

Наманган азалдан уста пиллачилар вилояти бўлиб, буни ҳудуднинг шаҳар ва қишлоқларида ҳамон барқ уриб турган, асрларнинг гувоҳи бўлган азим тут дарахтларидан, кўҳна Ахсикент, у каби тарихий обидалар атрофини ўрганиш чоғида топилган пиллачилик дастгоҳлари, хомашёлардан ҳам билиш мумкин. Бу соҳа мамлакатимиз мустақилликка эришгач янада равақ топди.

Соҳани ривожлантириш борасидаги ислохотлар ўз самарасини кўрсатди, минглаб гектар майдонларда янги тутзорлар яратилди, ипак курти боқувчиларнинг иш ҳақи ошириб борилди. Уларнинг фаолияти меҳнат стажига киритилган бўлди. Режадан ортиқ пилла етиштирган илгорлар тақдирланиб, сиҳат-гоҳларга йўланмалар берилди. Давлат мукофотларига тавсия этилди.

Тўғриси, пиллачилик мени болалигимдан ўзига ром этган. Онамдан ипак курти боқишни ўрганган жажжи қизалоқ мана 50 йилдирки, шу касб-корни улуғлаб, асло камлик кўрмадим. Олийгоҳни битириб келиб, пиллачилик бригадасига етакчилик қилдим. Туман пиллаҳонасида бош агроном бўлиб фаолият юритдим. Меҳр бериб қилган сай-ҳаракатларим эл-юрт орасида эътирофга сазовор этди. Норин тумани пиллачилари тажрибаси, ташаббуси

ЭЛЛИК ЙИЛДИРКИ, ШУ КАСБ-КОРНИ УЛУҒЛАБ КЕЛАМАН



вилоятга, кейинчалик мамлакатга ёйилди. Менга катта ишонч билдиришиб, олдинга туман,

кейинчалик вилоят пиллачилиги МЧЖга раҳбар этиб тайинлашди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган



пиллачи” унвонига муносиб деб топиладим.

Соҳани янада ривожлантириш йўлидаги изланишлар Наманганда ҳам ўзининг самарасини бермоқда. Ҳар йил режалар ортиғи билан урдаланмоқда. Бу йилги Наврўзни ҳам наманганлик пиллачилар интиқлик билан кутиб олишди. Айни кунларда мавсумга хозирлик кўриш, ипак курти парвариш қилинадиган хоналарни таъмирлаш, жиҳозлаш, тутзорларни суғориш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Пилла етиштиришда қатнашадиган қайта ишлаш корхоналари, кластер, фермер хўжаликлари, касаначи-

лар билан ҳамкорликда пухта ҳозирлик кўрилади. Мақсадимиз, жорий йилда 37 минг 174 қути ипак куртини замонавий усулларда парвариш қилиб, саноат корхоналарига 2156 тонна сифатли хомашёси етказиб беришдир.

Азиз ҳамюртлар!
Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни кўклам ва эзгулик байрами – Наврўзи олам билан муборакбод этаман. Юртимиз доимо тинч, дастурхонларимиз тўкин, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлсин!

Раҳбархон ЯВМИНОВА,
“Наманган ҳудудий агропилла” МЧЖ раиси.



Наврўз тилақлари

Бу кун баҳор бир сабаб,
Наврўз баҳона бўлиб,
Лим-лим тўлган қалбимни
Шеър қилиб битмоқчиман.
Манеу баҳор юртида
Юрган ой каби тўлиб
Муҳтарам юртдошимга
Дилрозим айтмоқчиман.
Мен сармастман баҳорий
Туйғу отлиғ бир майдан.
Сизга ҳам маним каби
Сармастликни тилайман!



Ана, эшитилмоқда
Узук-юлук нолали
Юракни тилкаловчи
Қадимий куй садоси.
Бу – Ҳиндикуш ортида
Афғон, ўзбек боланинг
Сурувни излаб юриб
Чалган найн овози.
Навоий навосига
Қайтолмай зор йиғлайман,
Сизга кабутар тўла
Оқ осмонлар тилайман.

Менинг юрагимдаги
Умидлар каби бодраб
Бойчечаклар адирда
Қор остида урмиш ниш.
Ажаб, бутун табиат
Етганда ҳали мудраб,
У олис навбаҳорнинг
Қадамин илғаганмиш.
Бу сезгини оддий гул
Қайдан олган, билмайман,
Сизга шу бойчечакнинг
Сезгисини тилайман.

Учрашувга ошиққан
Ошиқ мисоли шошиб,
Баҳорнинг илк жилғаси
Қайдадир югуради,
Гоҳ боши берк жойларга
Кириб қолар адашиб,
Гоҳ йўл узра тошларга
Кўкрагини уради.
Мен ҳам жилға мисоли
Тўлиб оқмоққа шайман,
Сизга ҳам унинг шиддат,
Ишончини тилайман.

Гулдурак садосидан
Уйғонди замин тийрак,
Кўёшнинг нури сабаб
Тарки хоб айлар чаман,
Фақатгина дарёллар
Қишу ёз бедор, сергак,
Виждондек тўлғонади
Бағринда, бағрим, Ватан!
Мен фақат дарёллардан
Нисбат олмоқ истайман,
Сизга Сир ва Амунинг
Бедорлигин тилайман.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.





"O'zsanoatqurilishbank" ATB jamoasi
O'zbekiston ahlini Navro'zi olam bilan
muborakbod etadi!

Bahor nafasi, bayram shukuhi
yil davomida hamrohingiz bo'lsin!

NAVRO'Z AYYOMINGIZ
MUBORAK BO'LSIN!

Xizmatlar litsenziyalangan



NAVRO'ZI OLAM
MUBORAK!



1234 5678 9012 3456
VALID THRU 06/28
CARDHOLDER NAME
QISHLOQQURILISHBANK
VISA Business

Visa Business korporativ
kartalardan foydalaning!

qqb.uz
1254



Xizmatlar litsenziyalangan

*Хар кунинг Наврўз бўлсин,
жонажон Ўзбекистоним!*

"МИЛЛИЙ ҚУРИЛИШ ТАЪМИРЛАШ"
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**азми қатъий, бағрикенг, меҳмондўст юртдошларимизни
кўнгилларга олам-олам завқу шавқ улашиб,
кириб келган баҳор айёми –**

Наврўз умумхалқ байрами
билан қизғин қутлайди ва барчага
Янги Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб яшнаши, эртанги
кунимизнинг бундан-да ободлиги йўлидаги эзгу саъй-
ҳаракатларида муваффақиятлар тилайди.
Ҳамиша юртимиз тинч, кўнглимиз хотиржам,
ризқимиз бутун бўлсин, азизлар!



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

НАВРЎЗИ ОЛАМ ТАНТАНАЛАРИ
ҒОЯТ КЎТАРИНКИ РУҲДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, кўтаринкиликнинг,
Наврўзи олам аталмиш байрам тадбирларининг устидан чиқасиз.*

Барчанинг тилида хуш калом, кутлуғ нияту мақсад, янгидан-янги режаларнинг улугворлигидан илҳомлар олмасиз. Шундай юртининг, шундай элнинг фарзанди эканингизга шукроналар келтирасиз.

Бугун она-юртимизнинг гавҳари бўлмиш Наманганга ташриф буюрсангиз, ана шундай кўтаринкиликнинг устидан чиқишингиз табиий бир ҳол. Чунки, Наврўзи оламга ўзига хос тараддуд кўрган, уни поклик, яшариш рамзи сифатида улуглайдиган бу маконда аллақачон шаҳар, қишлоқ, кўча, гузар, хиёбон, ташкилот, муассаса ҳудудлари файзиёб маконларга айланиб улгурган. Озодалик, поклик, ҳар бир қарич ерни қадрлаш, гулзор, ям-яшил боғ-роғ, унумдор, серҳосил заминга айлантириш барча наманганликларнинг азму карорига айланган. Шу ўринда Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги



қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси, 1100 нафрдан кўпроқ мутахассис ва ишчилар меҳнат қилаётган шаҳар, туман бўлимларида ҳам кўклам, кутлуғ айём муносиб кутиб олинди. Ниҳоллар экилди, райхон уруғлари қадалди. Жумладан, бошқарма биноси атрофида 30 туп каштан, сада дарахт ниҳоллари экилди. Ишчи-ходимларни қишин-ёзин кулупнай меваси билан таъминлаш мақсадида мавжуд иссиқхоналарга сара навлари жойлаштирилди. Бу каби ибратли ташаббусларга йўғрилган бунёдкорлик ишлари бошқарманинг шаҳар ва туман бўлимларида давом эттирилмоқда. Лўнда қилиб айтганда, бошқарма жамоаларида Наврўзи олам тантаналари ғоят кўтаринки руҳда давом этмоқда. Дошқозонларда сумалак, паловлар дамлашиб, дастурхонларга тортилаётди. Санъаткорларнинг дилтортар куй-қўшиқлари байрамга янада кўтаринкилик бағишламоқда.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Бююртма Г-340. 2618 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.

Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00